

**БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ, УНИНГ КАМОЛОТИДА ДАВЛАТ  
ВА ЖАМИЯТНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ****Шоназаров Жамол Умирзокович***Халқаро инновацион университети “Педагогика” кафедраси в.б.доценти*

Email: jshonazarov1331@gmail.com

**Жўраева Севинч Азамат қизи***(Халқаро инновацион университети 3 курс талабаси)*

**Аннотация:** *Мақолада ёш авлод тарбиясининг индивидуал хусусиятлари, таълим ва тарбия жараёнидаги ислохотлар, ёшлар тарбиясида спортнинг ўрни ва тарбияга миллийлик руҳида ёндашишнинг ўзига хос хусусиятлари баён этилган.*

*Шунингдек, болалар психологиясига оид қизиқиш ва қобилиятларни ривожлантиришнинг турли хил восита ҳамда йўллари келтириб ўтилган.*

**Калит сўзлар:** *тарбия жараёни, оила тарбияси, соғлом авлод, спорт психологияси, соғлом ривожланиш, ижтимоий муҳит, мактабгача таълим, жисмоний-психологик тайёргарлик.*

**ВОСПИТАНИЕ СОВЕРШЕННОГО ПОКОЛЕНИЯ –  
ПРИОРИТЕТНЫЕ ЗАДАЧИ ГОСУДАРСТВА И ОБЩЕСТВА В ЕГО  
ЗРЕЛОСТИ****Шоназаров Джамол Умирзокович***И.о. доцента кафедры “Педагогика” Международного  
инновационного университета, Узбекистан, г. Қариш***Жураева Севинч***(студентка 3 курса Международного инновационного университета)*

**Аннотация:** *В статье рассматриваются индивидуальные особенности воспитания молодого поколения, реформы в учебно-воспитательном процессе, роль спорта в воспитании молодежи, а также особенности подхода к воспитанию в духе национализма.*

*Также упоминаются различные средства и способы развития интересов и*

*способностей, связанных с детской психологией.*

**Ключевые слова:** образовательный процесс, семейное воспитание, здоровое поколение, спортивная психология, здоровое развитие, социальная среда, дошкольное образование, физическая и психологическая подготовка.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳамда мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилди. Бу борада мамлакатимизнинг Биринчи Президенти И.А.Каримовнинг ушбу фикрларини таъкидлаб ўтиш ўринлидир. “Маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи биз учун умуммиллий, умумдавлат микёсидаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлида амалга ошираётган ишларимизни изчил ва қатъиятлик билан давом эттириш бугунги сиёсатимизнинг диққат марказида”дир [1]. Мустақиллик туфайли мамлакатимизда соғлом мафқурали, маънавий баркамол авлодни шакллантириш мақсади йўлида ижтимоий соҳада аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқдаки, улар баркамол авлодни камол топтириш каби стратегик мақсадга йўналтирилгандир. Бу борадаги ўзгаришлар бола тарбияси мавзусининг асрларга татигулик вазифаси эканини исботлаб бераётир.

Бугунги кунда Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида соғлом авлодни тарбиялаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда спорт-соғломлаштириш иншоотлари, теннис майдончалари барпо этилди. Бироқ, соғлом бола деганда фақатгина жисмонан бақувват инсоннигина тушуниш масалага бир ёқлама ёндашиш бўлур эди. Авлод баркамоллиги унинг маънавий камолотига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бола тарбияси миллий, маънавий, рухий, жисмоний жиҳатдан ёндашишни талаб этади. Мактабгача таълим бола шахсини соғлом ва етук, шу билан бирга мактабга тайёрлаган ҳолда шакллантириш мақсадини кўзлайди. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 11- моддасида: «...Бу таълим 6-7 ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилади», - деб таъкидланган. Дарҳақиқат, таълим-тарбия қанчалик эрта бошланса, унинг самараси шунчалик эрта намоён бўлади ва инсоннинг бутун ҳаёт тарзига

ижобий таъсир қилади. Боланинг ўсиши ва ривожланишида шароитларнинг моҳияти жуда муҳим. Табиат ва меҳр-муҳаббат ёш авлодни эҳтиёткорлик билан зинама-зина юқорига – ривожланиш пиллапоялари сари бошлайди. Биз эса фақатгина бу ҳаракатларнинг хусусиятларини тушунишимиз ва ўз вақтида қўллаб-қувватлаб, ушбу ривожланиш учун шароит яратишимиз мумкин.

Ҳар бир она фарзандининг соғлом, бақувват, маънавий жиҳатдан етук инсон бўлиб етишишини истайди ва бунинг учун бор куч ва ғайратини аямасликка ҳаракат қилади. Баъзан ота-оналар тажрибасизлик қилиб «Боламни яхши едирсам, ҳеч кимдан кам қилмай кийинтирсам, ҳаётда ўз ўрнини топа олиши аниқ», деб нотўғри фикрга борадилар. Тўғри, бундай ота-оналарнинг фарзандлари соғлом бўлиши мумкин, лекин уларнинг руҳий, ақлий ва маънавий жиҳатдан ривожланиши ҳам етарли даражада бўлиши лозим. Ўсаётган боланинг ҳар жиҳатдан соғломлиги ва унинг етук шахс сифатида камол топишида нафақат ота-онанинг, балки бошқа яқинлари, ўқитувчи, тарбиячиларнинг ўрни беқиёсдир. Бундан ташқари бола руҳиятининг ривожланишида атроф-муҳит, шунингдек таълим-тарбия ҳам муҳим роль ўйнайди. Боланинг психологиясини билиб олган катталар, унинг қобилияти, қизиқиши, ички ҳис-туйғулари ҳақидаги тасаввурга эга бўлишлари мумкин [2]. Бу эса, унга тарбия беришда энг самарали воситалардан бири бўлиб хизмат қилади. Катталарнинг вазифаси - болани борича қабул қилиб, доимо яхши кўришдир. У ўзининг одатлари ва ҳислатлари билан табиатан шундай. Уни қандайдир ўлчамга солишнинг кераги йўқ. Дастлаб боланинг «Мен»и оилада англана бошланади ва бундан барчани ўз авақтида огоҳ этади. Секин асталик билан у катта ҳаётга қадам кўя бошлайди, яъни болалар боғчаси, дўстлар давраси, жамоада ҳамда ижтимоий муҳитда. Энди бошқа мулоқот ва бошқа мақсадлар вужудга келади. Айнан шу даврда энг асосий нарса, самимий муҳаббатни сақлаб қолишдир.

Бугун шахс шаклланишида, унинг камолга етишида руҳий таъсирнинг аҳамияти, самараси юқори эканлиги нафақат амалий, балки илмий жиҳатдан ҳам аниқланган. Ҳар бир бола воя етгунига қадар аввал оилада, кейинчалик таълим муассасаларида тарбиячи мураббийлар таъсирида бўладилар. Болада яхши хулқ-атворнинг шаклланиши ва соғлом бўлиб ривожланиши учун керакли шарт-шароитлар яратилиши жуда муҳимдир. Бу жараён катталардан ўз

вақтларини тўғри ташкил этиш ва намунали хулқ-атвори намоиш этиш каби бирмунча ҳаракатларни талаб этса-да, фарзандларининг уйдаги ва ташқи ҳаётдаги тушунчага эга бўлишлари учун ёрдам беради. Ўсаётган боланинг ҳар жиҳатдан соғломлиги ва етук шахс сифатида камол топиши да нафақат ота-оналарнинг балки тарбиячи ва ўқитувчиларнинг ўрни жуда каттадир [3].

Ҳозирги даврда шахсни маънавий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг бош мезони ҳисобланади. Туғилган инсон шахс бўлиб шаклланиши лозим. Шахснинг шаклланиши асосан биологик омил, муҳит, тарбияга боғлиқдир. Ҳаётнинг муайян даврларида шахснинг айрим органлари ва бутун бир органлари системасининг тузилишида ва функцияларида ўзгаришлар юз беради. Шахснинг соғлиқ ҳолати ва бу ҳолат кўп ёки оз муддат бузилиб туриши биологик омилга таълуқли. Шахснинг яшаб турган муҳитида одамлар, биринчи навбатда тарбияланувчига яқин кишилар, яъни оз сонли оила аъзоларигагина эмас. Балки унга узоқроқ бўлган кишилар унинг кўни-кўшнилари, маҳалласи, яқин ўртоқлари, бирга ўқийдиган, бирга ишлайдиган турли алоқада бўладиган ўртоқлари ҳал қилувчи рол ўйнайди. Булардан ташқари оммавий ахборот воситаларининг таъсири ҳам ёш авлоднинг фикр ва ҳисларига унинг воқеа-ҳодисаларга берадиган баҳоларига ва интилишларига таъсир кўрсатади.

Соғлом бола тарбиясида оила ва маҳалланинг роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, оилавий муносабатлар тизимида шаклланади. Боланинг ўсишига, ўзини ўраб турган олам билан мулоқотга киришишига, ҳаёти қулай осон, тушунарли ва хавфсиз бўлиши учун нималарга эътибор бериш керак? Боланинг ҳаёти ўз хонадонидан бошланади. Оилада бола ўсиб улғаяр экан ҳаётидаги илк кўникма ва малакаларни оила аъзоларидан ўргана бошлайди. Ота-онаси, буви-буваси, ака-опалари, меҳмонлар билан биринчи мулоқот кўникмаларини эгаллай бошлайди. Болада яхши хулқ-атворнинг шаклланиши ва ривожланиши учун оилада керакли шарт-шароит яратиш жуда муҳимдир. Бу жараён ота-оналардан ўз вақтларини тўғри ташкил этиш ва намунали хулқ-атвори намоиш этиш каби бирмунча ҳаракатларни талаб этса-да, фарзандларининг уйдаги ва ташқи ҳаёт ҳақидаги тушунчага эга бўлишлари учун ёрдам беради. Шунинг учун ҳам халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Катта ёшдаги

инсонлар ўзларидаги иқтидор, малакалар билан бошқаларга ҳам тарбиявий таъсир, шахсий ўрнатки кўрсатиш имкониятига эга бўладилар [4].

Маҳалладаги муҳит ва шарт-шароитлар ҳам бола тарбиясига таъсир кўрсатади. Катталар ўзларининг ҳатти-ҳаракатлари билан болаларга намуна бўладилар. Маҳалладошлар бир-бирлари билан самимий муносабатда бўлишса, бир-бирларини ҳурмат қилишса, яхши-ёмон кунларида бирга бўлишса, қийин вазиятларда ёрдам қўлини чўзса, маҳаллани ободонлаштириш бўйича бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишса, маҳалладаги ҳар бир болани ўз фарзандларидай кўрса, бундай маҳаллада ўсаётган бола ҳар томонлама яхши тарбия олади. Хулоса сифатида шуни айтиш керакки, ҳар бир ёш авлодни маънавий етук, жисмонан соғлом, баркамол шахс бўлиб шаклланишида оила, таълим муассасалари ва жамоатчилик ҳамкорлиги асосида педагогик жараённинг мақсадли ташкил этилиши бевосита унинг ижобий самарали ҳамда мақсадга эришишини таъминлайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар/Список литературы

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.:Маънавият, 2008. - 176 б.
2. Воҳидов М. Болалар психологияси. Т., “Ўқитувчи”, 1982 й.
3. Шоумаров Г.Б. таҳрири остида. «Оила психологияси», Т.: «Шарқ», 2000.
4. Шоназаров Ж.У. Ёш авлод тарбиясида оила, таълим масканлари ва маҳалланинг юксак тарбиявий имкониятлари. «Глобаллашув шароитида ёшларни ёт ғоя ва мафкуралардан муҳофаза қилишнинг ижтимоий психологик хусусиятлари» мавзусидаги Республика илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. Бухоро-2015 йил. 182-184 бетлар.